



Жаҳолатга қарши маърифат

“МАЪНАВИЯТ” ЕНГИЛДИМИ?

**ёки маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат –
уч буюк қадрият**

Агар оилада одоб, ахлокий муҳит яхши бўлса, фарзандлар ҳам шу руҳда тарбияланади, ёмонликдан тийилади, ҳаммага яхшилик қилади ва раҳмат олади. Мен мана шуни маънавият деб биламан. Аслида, маънавият – серқирра тушунча ва инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган кундалик қадриятларимиздир. Инсоннинг қандай тарбияга, одоб-ахлоққа эгаллиги унинг юриш-туришидан тортиб, инсонлар билан муомаласида, энг аввало ўзига ҳамда бошқаларга муносабатида акс этади.

Тўғри, еб-ичиш одамга жисмоний озик ва қувват беради, лекин еб-ичишнинг ҳам ўзига хос маънавий томонлари бор. Мана, масалан, ибтидоий даврларда одамлар ко-са-пиёла нималигини билмаган, овлаган ўлжаларни оловда пишириш хаёлларига ҳам келмаган. Лекин эволюцион жараёнлар оқибатида жамиятда овқатланиш маданияти пайдо бўлди, кишилиқ жамиятида онг-тафаккур ривожланди. Маънавият унга руҳий озик ва қудрат бағишлайдиган бўлди.

Демак, фақат қоринни ўйлаш, ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлашдан нарига ўтмаслик – бу ҳайвонларга хос нарсаси деб биламан. Жамият маънавиятга интилиш орқилигина қомиллик касб этди, ҳайвондан ажралиб чиқди. Инсоннинг ақлий ва руҳий оламини ўзида намоён этадиган бу ижтимоий тушунча жуда кенг қамровли, шу билан бирга, фақатгина инсониятга хос бўлган ҳодисадир.

(Давоми 3-саҳифада)




САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИГАН “САЁҲАТНОМА”ЛАР

Ҳар гал хориж сафарига йўл олганимда ўқувчилик йилларимда ўзгача бир меҳр билан қайта-қайта ўқиганим – Муқимийнинг “Саёҳатнома”си билан Жонатан Свифт қаламига мансуб “Гулливёрнинг саёҳатлари” ёдимга тушиб, ажойиб саргузаштлар хаёлим кўзгусида намоён бўлар, қалбим ширин туйғуларга чулганганча бу асарларни яна бир бор ўқиш истаги туғилар эди.

Кейинроқ машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута “Саёҳатнома”сининг ўзбек тилига ўғирилган парчалари қўлимга тушиб, унинг Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Термизда бўлганлиги, бу қадим жойларнинг тарихи, одамларининг турмуш тарзи, маданияти, бетакрор урф-одат ва анъаналари, хунармандчилиги деҳқончилиқдаги топқирлиги қизиқарли ҳикоя қилингани мени ҳайратга солди. Сайёҳнинг тилими тилини ёрадиган Хоразм қовунларини дунёда тенги йўқ деб баҳолаши, бу юрт қовун қоқиларини савдогарлар Хитойдан то Ҳиндистонгача олиб борганликлари ҳақидаги Ибн Баттута маълумотлари ўзбек ўқувчисида фахр ва ғурур бахш этмай қолмайди. Сайёҳ йигирма саккиз йил мобайнида шимолӣ ва ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Испания, Ўрта Осиё ва Шарқий Оврўпо, шунингдек, Хитойнинг юзлаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб, бу ўлкаларнинг ўзига хослиги, географик тузилиши, маданияти, иқтисодиёти, бойликларидан тортиб халқларининг ўзига мос ҳаётигача қизиқарли таърифлаганлиги “Саёҳатнома”нинг меҳр ва қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган.

(Давоми 8-саҳифада)

СОҲИБҚИРОН – ҒАРБ ТАМАДДУНИНИНГ АСОСЧИСИ



XIII асрга келиб Европада саноат инқилоби бошланди, шаҳар маданияти ривожланди, одамлар чекка ҳудудлардан обод масканларга оқиб кела бошлади. Ана шу даврда Рим папасининг мавқеи жуда юксалди ёки Унинг юксалган обрўси ижтимоий ҳаётда бир кўтарилишга туртки бўлди. Ҳар ҳолда биринчи марта 1095 йил Клерман собори майдонида папа Урбан II томонидан оқ йўл тиланган Салибчилар юриши Исо қабрини излаш баҳонасида 1272 йилгача қуёш йўналишига қарши, яъни Шарққа томон тўққиз марта сафар қилди ва осуда дунёни чинакамига ларзага келтирди.

Аслида “Мазлумларни салжук туркларининг зулмидан қутқариш”ни шиор қилган бу ҳаракат чиндан ҳам Ғарбу Шарқда гулу солди ва барча қадриятларни остин-устун қилиб, аралаштириб ташлади. Бинобарин, Рим папаси ана шундай салоҳиятга эга тузилма эканини амалда кўрсатди. Албатта, зарба ўзига қарши зарбани чақиради. Салибчиларга қарши нафақат туркийлар олами, балки жами ислом дунёси оёққа турди ва бу мислсиз муҳорабанинг натижалари бутунлай кутилмаган бўлди. Табиатида жанговарлик, нафақат жанговарлик, балки оташин ватанпарварлик бўлган туркийлар ислом байроғи остида бирлашдилар, шу билан бирга ҳудудлардаги диндошларини ҳам оёққа турғаздилар. Бу бирлашишнинг натижаларини солномалардан топса бўлади. Натижалардан бири – Кичик Осиёда умргузаронлик қиляётган туркийлар ўз давлатини тузиб, оёққа турди, 1230 йиллардан бошлаб уларнинг атроф-теваракка, биринчи навбатда Византияга босими кучайди.

Ана шундай шароитда эълон қилинган Салиб юриши қандай кутиб олинди? Афсуски, бу мурожаат етарли даражада пўртана кўзгай олмади. Замонлар ўтиши билан қахрамонлар ҳам ўзгарган, куч бир қутбдан бошқасига ўтган эди. Рим папасининг бу илтижоси, яъни темир совут ёпинган рицарларнинг майдонга чиқишга чорлови ҳавода қолиб кетди. Бу чақириқ биронта христиан давлат бошлиғи томони-

дан қўллаб-қувватланмади. Аввало, бунга черков ҳаётида ички зиддиятлар юзага келгани ва Англия-Франция ўртасида давом этаётган юз йиллик урушнинг яна кўзгалгани сабаб қилиб кўрсатилса-да, омад юлдузи иккинчи томонда порлаётган эди: ғолиб Усмонлиларнинг зарбини унутишмаганди. Лекин Йилдирим Боязид бошлиқ осиеликлар нафақат Европада, балки Рим черковига ҳам катта хавф эди. Буни назардан қочирмаган папа янги режалар билан банд бўлди.

Нима бўлганда ҳам таҳлика остида қолган черков барча воситаларини ишга солиб, Боязидга қарши юришни уюштиришга эришди. Бу пайтда юз йиллик урушда вақтинча сулҳ тузилган эди ва Франциядан қирол Карл VI ўз қўшини билан майдонга чиқадиган бўлди. Венгрия қироли Сигизмунд ҳам бой берган ҳудудларини қайтариб олиш илнжиди майдонда талабгор эди. Умуман, манбаларда қайд этилишича, французлар, инглизлар, голландлар, испанлар ва бошқа халқ вакилларида иборат юз мингга яқин лашкар Боязидга қарши йўлга тушди. Унга юз йиллик уруш фронтларида чиниккан, тажрибали француз маршали Жан ле Менгр Бусико кўмондонлик қиладиган бўлади. Бу мислсиз тўқнашув 1396 йил 25 сентябрда Никополь шаҳри яқинида рўй беради. 60 минг аскарга эга бўлган туркларнинг бу жангини кейинчалик мутахассислар ҳарбий салоҳияти юксалган Боязиднинг бутун Европа олдидаги намоишкорона чиқиши деб баҳолашади.

Маълумки, худди шу паллаларда воқеалар саҳнасида Амир Темур бошлиқ Самарқанд қўшини ҳам фаол эди ва айнан шу ҳудудларда ўз миссиялари билан банд эди. 1395 йил бошида Тўхтаминнинг шаккоқлигига қарши йўлга чиққан Турон лашкарининг илк қадами апрель ойида Терек ва Кура дарёлари ҳавзасидаги мислсиз тўқнашувда зафар билан ниҳоясига етгач, сулҳпарвар ва тинчликсевар қўшин салтанатда осойишталик ўрнатиш ва-зифасига киришиб кетади.

(Давоми 6-саҳифада)



ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ОШМОҚДА, СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТЯПМИЗМИ?

Ҳозир исроф қилаётган сув фарзандларимизники эканини унутмайлик!

Жўмракдан игнадек сизиб оқаётган сув ҳажми бир суткада 840 литрга етиши мумкин.

Бир културм сув инсонни ҳаётга қайтаради

Ёзининг жазирама кунлари шифокорлар кунига 3-5 литрдан кам сув ичмасликни маслаҳат беришади. Инсон кучли чанқаганида оғиз бўшлиғи қуриб, кўз олди хиралашади, ҳолсизланиб, ҳатто юришга ҳам кучи қолмайди. Шундай пайтларда кўзимизга бир културм сувдан бошқа нарса кўринмайди. Ана шу бир културмгина сув бизни ҳаётга қайтаради, танамизга куч-қувват беради.

Қанча аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган?

Хўш, юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

Мутахассисларнинг маълум қилишича, сўнгги 6 йилда мамлакатимизда аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга 10 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 1176 та сув иншооти ва 20,8 минг километр ичимлик суви тармоқлари тортилган.

— Бундан 5-6 йил мукаддам аҳолининг марказлашган ичимлик суви

билан таъминланганлик даражаси 60 фоиз эди, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ матбуот котиби Акмал Муродов. — Бугунги кунга келиб жорий йилнинг 1 январь ҳолатида ушбу кўрсаткич, 74,4 фоизни ташкил этмоқда.

Ушбу давр мобайнида 8,2 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. 4,8 миллион нафар аҳолининг эса ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Сувнинг қадрига етяпмизми?

Хўш, биз-чи? Сувнинг қадрига етяпмизми? Сув биз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини биламизу, аммо уни тўғри сарфлашни истамаймиз. Ҳозир кўплаб хонадонларга кирсангиз, ерда ётган шланкалардан, артезиан жўмрақларидан игнадек сув сизиб оқиб ётганига кўзингиз тушади. Ана шу жўмракдан игнадек сизиб оқаётган сув ҳажми бир суткада 840 литрга етиши ҳақида тасаввур ҳам қилмаймиз. Энди мана шу кўрсаткични 30 кунга кўпайтиринг. 25 минг 200 литр сув исроф бўляпти, дегани.

Ўзбекистонда ҳам сув тақчиллиги ошмоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилати прогнозларига кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизда сув ресурслари тақчиллиги 40 фоизга етиши мумкин экан. Ўзбекистонда эса сув тақчиллиги сезиларли даражада ошиб бориши натижасида сўнгги 15 йил ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти икки баравар камайган.

Жорий йилнинг май ойида Сирдарё ҳавзасида ҳам сезиларли сув тақчиллиги рўй берган. Тўрт мамлакатдан оқиб ўтувчи Сирдарё дарёси (йирик ирмоқлари Норин, Қорадарё, Чирчиқ дарёлари билан) ҳавзасида ҳам қуруқ ўтган май ойида сезиларли сув дефицити рўй берган. Бу сувимиз беҳисоб эмаслигидан дарак беради.

Сувнинг ҳисоби борлигини, уни асраб-авайлаб ишлатиш кераклигини бутун дунё тушуниб етди. Мисол учун Германиянинг айрим қисмларида ёз кунлари аҳоли сувни тежашга мажбур бўлмоқда. Баъзи жойларда аллақачон боғлар ва майсазорларни кундузги соатларда қудуклардан суғориш, машина ювиш, бассейнлар учун сув олиш бўйича чекловлар жорий қилинган.


Бизда ҳам шундай чекловлар борми?

— Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ўғрилиқ жинояти деб баҳоланади, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ ахборот хизмати бош мутахассиси Акмал Қодиров. — Бу нормани жорий этиш бўйича қонун Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинди.

Сенаторлар мазкур мажлисда “Энергия ресурсларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунини кўриб чикди.

Мазкур қонун амалиётга жорий этилса, албатта водопроводдан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига чек қўйилади. Ҳозир ҳам республикамизнинг айрим ҳудудларида аҳоли тоза ичимлик сувини узоклардан ташиб келиб ичаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, уйимизда оқиб турган сув фақат ўзимизга тегишли эмаслигини унутмайлик.

Нигора РАҲМОНОВА,
ЎЗА



АЁЛ — МЕҲР, САДОҚАТ, ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ

Қашқадарё вилоятида ана шундай шиор остидаги тарғибот тадбирлари ўтказилди.

рахбарлигида амалга оширилаётган эзгу ишлар тўғрисида сўз юритди.

Тадбир давомида “Тўмарис издошлари” кўрик-танловининг республикабосқич совриндорлари, бадий гимнастика иштирокчилари, 40 йилдан зиёд аҳил ва инокликда яшаган ибратли оила аъзолари, маҳалласида оилавий ажрим ва жиноят ҳолатлари қайд этилмаган 32 нафар намунали маҳалла хотин-қизлар фаолларига вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари ва ташаккурномалари топширилди.

Шунингдек, байрам дастури давомида “Миллий либосларда замонавий ва анъанавий қадриятлар уйғунлиги” мавзусида либосларнинг кўرғазмали намоиши ўтказилди.

Байрамонга тарзда ташкил этилган тадбирда республика ишчи гуруҳи аъзоси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Илмий ишлар ва

инновациялар бўйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Одинахон Жамолитдинова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шарофат Ашурова иштирок этишди.

“Шухрат” медали совриндорлари Умрзоқ Қуватов, Пиримкул Рустамов, Алмамет Шарипов ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шавкат КАРОМОВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 июндаги ҳудудларда “Аёл-меҳр, садоқат, тараққиёт тимсоли!” шиори остидаги тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича топшириқ хатига асосан, жорий йилнинг 24 июнь куни Яккабўғ тумани “Яшнобод” МФЙ ҳудудига қарашли “Яккасарой” сув тарқатиш мажмуаси дам олиш масканида ушбу тадбир вилоят бўйича кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари К.Каромова очиб, бугунги кунда юртимизда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг бахтли бўлиши, оилалар мустақамлигини таъминлаш, саломатлигини асраш, ижтимоий ҳимоя қилиш, сиёсий фаоллигини ошириш борасида Президентимиз

(Боши 1-саҳифада)

Жадид боболаримиз Ватан озодлигига эришиш учун энг аввало, халқни саводли қилиш ва шу асосда унинг онгини юксалтириш кераклигини ўз вақтида англаган ва бор мол-мулкларини сарфлаб, ўз ҳисобларидан мактаблар очган, уларда миллат келажаги бўлган ёшларни ўқитишган. Лекин даврнинг зулмкор машинаси уларни катагон қилди, ўлдирди, қамади, отувга ҳукм қилди. Нгеаки, халқ уйғонмасин, деди. Ёшлар билимли бўлмасин, улар чўпон бўлиб, фақат шўро тузумига, “катта оға” сига хизмат қилсин, деди. Уларнинг қорни тўйса бўлди, махлук каби ишимизни қилсин, деди. Ана шундай вазиятда ҳам жадид боболаримиз халқни уйғотишга жазм қилди, жонини фидо қилди. Мана маънавият! Мана маънавий юксалик!

Бугун нима қолди? “маънавият” иборасини шунчалик кўп ишлата бошладикки, бу ҳақда маънавиятсиз кишилар гапира бошлади. Менинг тушунчамда маънавиятсиз одам – кўпол бўлса ҳам айтаман: шу ҳақда гапириб, ўзи унга амал қилмайдиган даъвосдир. Маънавият – мамлакат, миллат олдидаги масъулият ҳисси, маънавий туйғу ва эътиқоднинг юксак даражадаги намоёнидир.


“Маънавият” – моддий бўлмаган нарсалар маъносида инсоннинг руҳияти, иймон-эътиқоди, тафаккури, онги, ақлу заковати, илму фаросати, кийиниш, сўзлашиш, муомала маданияти, аҳду вафоси, орияти, ғурури, шаъни, меҳри, нафрати, миллий қадрияти, тарбияси ва ҳоказоларни ўзида мужассамлаштирган яхлит тушунчани билдиради. Ана шунинг учун маънавият ҳар қандай давр ва замонда, ҳар қандай жамиятда миллат маданиятини ифодалайди. Маънавий тарбия – ўтириш-туришда, одамлар билан мулоқотда, ўзини тутишида, борингки, ҳамма нарсада шахсининг индивидуал хусусиятини, эътиқодини, маърифий ва ижтимоий онг даражасини намоён қилади.

Маънавият кимга керак? Маънавият – жамиятда яшаётган фаолият кўрсатаётган ҳар бир кишига керак. Усиз жамият ривожланмайди, орқага кетади. Унинг тарғиботчилари маънавий етук бўлмаса, ҳаётда, амалда тескари иш қилса, бу жамиятни таъназулга олиб боради. Улуғ мутафаккир Абдулҳомид Ғаззолий ўзини маънавиятли деб ҳисоблайдиган гумроҳлар ҳақида шундай дейди: гумроҳ кишилар «Илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ қабилда фикр қиладилар. Бундай фикрлар илмнинг ўзи билан кифояланиб, шариятни инкор этувчилар эътиқоди бўлиб, улар учун илм ҳосил бўлсаю, амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Ҳолбуки ўқиб ўрганган илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кундаги азоби икки ҳиссадир».

Давлат халқни бошқаришда асосан ижтимоий, ҳукукий муносабат-

лар механизмларидан фойдаланади. Лекин ахлоқий муносабатларни бошқариш механизми мавжуд эмас. Негаки, бу нарса миллат менталитетида, маданиятида, қадриятларида намоён бўлади ва ўз баҳосига эга бўлади. Яъни, битта буйруқ, фармон ёки қарор билан одам маънавиятли бўлиб қолмайди. Ёки у шу қарорни кўр-кўрона бажаради ва тўтига ўхшаб қолади.

Масалан, асал ширин экан, деб ҳар кун тарғибот қилинаверса, ки-



линаверса, одамлар асалдан қайт бўлади. Асални кўрса, жини қўзғайдиган бўлиб қолади. Лекин унинг ширинлигини доим таъкидлаш шарт эмаску! Буни ҳамма билади.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 19 январда маънавият масалаларига бағишлаб ўтказилган селектор йиғилишида миллий мафкура тушунчасига қуйидагича фикр билдирган эди: “Афсуски, ҳали орамизда миллий ғоянинг, маънавиятнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаганлар, маънавият керами-йўқми деб юрганлар ҳам йўқ эмас. ...Биз мафкура деганда аввало фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Албатта, бу юксак ғоялар осмондан тушмаган. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”.

Маънавият жамиятга нима учун керак? Ким учун керак? Бу сўз бир тоифа кишиларнинг шу қадар меъдасига тегиб кетибдики, уни ишлатганлар турли истехзоларга, танқидларга учрамоқда. Бахсу мунозараларниқу, қўяверасиз. Лекин бургага аччиқ қилиб, кўрпани қуйдириш аклсизлик нишонаси эмасми?

Тўғри, бир пайтлар «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб кўп айтиларди. Биринчи президентимизнинг шундай номли китобидан иқтибослар келтирилиб, маърузалар ўқилар, матбуотда кўп чиқишлар қилинар, тадбирлар ўтказилар эди. Хозир ушбу ибора деярли айтилмапти, унутилди. Нима учун? Юксак маънавият ғалаба қозониб, уни такрорлайвериш ўз долзарблигини йўқотдими?

Асло йўқ. Балки, бунинг акси бўлиб, маънавият енгилди десак, айни ҳақиқатга ўхшайди. Буни ижтимоий тармоқларда Маданият ва туризм вазирлиги ишлаб чиқиб, муҳокамага қўйган Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқариш корхоналари ҳодимларининг иш вақти ва дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш ҳамда маданий савиясини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-

ри лойиҳаси юзасидан билдирилган кескин танқидий фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Лойиҳа шу даражада кўп ва каттик, ҳатто ҳақоратли сўзлар билан танқид қилиндики, у одатдаги камида 14 кун ўрнига 5 кунгина муҳокама қилинди ва 12 тагина таклиф билдирилгани ҳолда (асосан танқидий фикрлар – манба: <https://regulation.gov.uz/oz/d/79388>) муҳокамси якунланган лойиҳалар қаторига киритилди.

Лойиҳада корхоналарга иш кун

бошланиши ва тугаши пайтида миллий куй ва қўшиқлар, шу жумладан, мақомнинг эшитилиб туриши амалиётини йўлга қўйиш, ходимларнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган мусикий альбом тайёрланиб корхоналарга тақдим этилишини тавсия қилиш; номоддий маданий мероснинг ноёб элементлари намуналаридан иборат маданий тадбирлар дастурларини тайёрлаш ва намоёиш этилишини таъминлаш назарда тутилган эди.

Савол туғилади: бу тавсиялар ва чораларнинг нимаси ёмон? Иш жараёнида эмас, балки иш бошланиши ва охирида мусикий фон сифатида, маданий тадбирларда асл санъат асарлари оҳанглари инсонларнинг қалбини яйратиши, рухий ҳордик чиқариши, маънавий озига олиши назарда тутилганку!

Афсуслар бўлсинки, воқелик шундан иборат бўлиб қолдики, шоу-бизнесменларнинг сохта маҳсулотлари маънавий ҳаётимизда асл санъат мусикий асарлари ўрнини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда. Уларнинг беъмани, савиясиз, бачкана, енгил-елпи мусиқасимон шовқин шаклидаги “ижод” маҳсулотлари теле-радиоканаллар, интернет, ижтимоий тармоқлар, концертлар, оммавий тадбирлар, тўю-томошалар, кўча-кўйда, кафе-ресторанларда, барча жамоат жойларида тақдим этилиб, тарғиб, реклама қилиниб, инсонларнинг мусикий дидини тубанлаштирмоқда, улар онгини заҳарламоқда, маънавиятини емирмоқда.

Маданият ва туризм вазирлиги бундай ачинарли аҳволни юқоридаги қарор билан, у қабул қилинган тақдирда, бироз тузатишни назарда тутган бўлса ажабмас. Аммо, фикримизча, ушбу вазирлик мутасаддилари муаммонинг асл сабаб-оқибатларини ҳалигача тушу-

ниб етганлари йўқ ва шу сабабли ушбу қарор лойиҳасини ҳам анча “хом” ишлаб чиқишган. Лойиҳада вазирликнинг ва нафақат унинг, балки барча маданий-маърифий, ижтимоий ҳаётимизни тартибга солувчи, ташкил қилишга мутасадди бўлган идоралару муассасаларнинг лоқайд (пассив) фаолияти натижа-сида шаклланган жамоатчилигимизнинг деформациялашган, айниб қолган мусикий диди, дунёқараши ҳисобга олинмаган.

Афсуски, жамоатчилигимизда мусикий санъат соҳасига оддий бизнес, тадбиркорлик шаклларида бири сифатида “бозор романтизми”га асосланган қараш устувор бўлиб қолмоқда. Хусусан, нега давлатга қарашли “Наво” реклама телеканали орқали кечаю кундуз беъмани, одоб-ахлоқ қоидалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга зид мусикий асарлар тижорий асосда эфирга берилмоқда? Нега “Атрофингда шахзодалар кўп. Кел, ўшалар олдида мен ғарибни битта ўп” деб қуйланадиган шоу-бизнес маҳсулоти ҳалигача “хит” асар бўлиб қолмоқда? Нега шоу-бизнесменларнинг ва улар жамоаларининг “Жаноб Расул”, “Беном”, “Каниза” деб тахаллус олиши ва номланишига бафарқ бўлиб қолмоқдамиз? Буларнинг бари шоу-бизнесменларнинг маънавий қашшоқлигидан далолат эмасми?!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кун юртимиз зиёлилари билан ўтган учрашувда “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Назаримда, давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмалари маданий-маърифий, санъат соҳалари ривожига масъул идоралару ижодкор зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларияу депутатларимиз томонидан ҳалигача англаб етилгани йўқ.

Хулоса шундан иборатки, давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаларидан келиб чиқиб, маданий-маърифий, санъат соҳалари ривожига масъул идоралару ижодкор зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларияу депутатларимиз олдида мусиқа санъати соҳасида фаолият юритиш қоидаларини белгилаш ва халқимизга маънавий озуқа – асл мусикий санъат асарларини тақдим этиш бўйича фаол иш олиб бориш, аниқ, пухта ўйланган чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш вазифаси турибди.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иктисод фанлари номзоди.



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш” мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қизғин паллага кирган. Хусусан, Президентликка номзодлар ҳудудларга чиқиб, сайловчиларни ўз дастурларида илгари сурилаган мақсад ва вазифалар билан таништирмоқда.

Жумладан, “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудова ҳам ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларда сайловчилар номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган муҳим таклиф ва ташаббуслар билан яқиндан таништирилмоқда.

Президентликка номзоднинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида илгари сурилаган ғоя ва вазифалар “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида адолат тамойилларини таъминлашни назарда тутди.

Учрашувда номзод Робахон Махмудова йиғилганларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан яқиндан таништирди. Хусусан, тадбир иштирокчиларининг аксарияти ҳуқуқшунослар эканлигини инобатга олиб, дастурда суд-ҳуқуқ соҳасида илгари сурилаган таклифларга кенгроқ тўхталиб ўтди.

— Дастурда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, энг аввало, конун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис, биз судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор таклифларни илгари сурмоқдамиз, — деди Президентликка номзод Робахон Махмудова. — Ҳаммамизга маълумки, ҳозирда судьяларнинг ўз фаолияти юзасидан маҳаллий Кенгашларда мунтазам равишда ахборот бериш амалиёти мавжуд. Мазкур жараёнда судьялар чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва низоҳасига етмаган ишлар бўйича ҳам савол-жавоб қилиш ҳоллари учрайди.

Шунга қўра, биз судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш таклифини илгари сурмоқдамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси кундан-кунга ортиб бораётган бугунги кунда судьяларнинг штатлар сони аҳоли сонига нисбатан мутаносиб эмас, шу боис, судьялар сонини оширишни таклиф этапмиз. Сабаби ҳозирда мамлакатимизда ҳар 100минг аҳолига 3-4 нафар судья тўғри келса, бу кўрсаткич Германияда 24 та, Португалияда 19 та, Венгрияда 29 та, Хорватияда 42 та, Австралияда 27 тани ташкил этмоқда.

Шунингдек, 2022 йил давомида мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича бир судьябир ойда ўртача 180 та ишни, фуқаролик ишлари бўйича судья 250 та, иқтисодий суднинг судьяси эса 160 та ишни кўриб чиқишга тўғри келган.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бир судьябир ойда ўртача АКШда 40 та, Канадада 50 та, Японияда 10 та, Германияда 15 та ва Буюк Британияда 20 та иш кўради.

Учрашув сўнгиди иштирокчилар номзод дастурида илгари сурилаган таклифлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

— Номзоднинг Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, судлар мустақиллигига эришиш борасида ғояларнинг аниқ кўрсатилганлигини кўрдик, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев. — Хусусан, мен судьялар ихтисослашувини янада кенгайтириш таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши оилавий, меҳнат, интеллектуал, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпуси шаклланишига хизмат қилади ва ишларни судда кўришда самарадорликни оширади.

Шу билан бир қаторда, Сайловолди дастурида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига “тоза қўллар” сиёсатини синдириш, конун устуворлигини таъминлаш чораларини кўриш вазифалари белгилангани ҳам эътиборга молик.

Президентликка номзоднинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашуви Нукусда бўлиб ўтди. Учрашувда номзоднинг ишончли вакили, партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Нурлибой Қайипбергенов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди.

Сўнгра номзод Робахон Махмудова сўзга чиқиб, сайловчиларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан таништирди. Хусусан, экологик муаммоларни ҳал этиш, бу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилиши кераклигини таъкидлади.

— Бугун барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Шу боис, биз “Экологияни ифлослантирувчи — компенсация тўлаши лозим” деган принцип тарафдоримиз, — деди Президентликка номзод.

Таъкидланганидек, номзод дастурида Орол минтақасида яшовчи фуқароларнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлган экологик муаммоларга ижобий ечим топиш масалалари ҳам илгари сурилган. Хусусан, экологик чора-тадбирларни фуқаролик жамияти институтлари, экологик жамоат бирлашмалари билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ конунчиликдаги “бўшлиқ”ларни аниқлаш ва уларни бар-тариф этиш бўйича яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш таклиф этилмоқда.

Самимий мулоқот руҳида бўлиб ўтган учрашув якунида партия фаоллари ҳамда бир қатор иштирокчилар номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Учрашувда номзодимизнинг Сайловолди дастурида илгари сурилаган ғоя ва мақсадлар билан атрофлича танишиш имконига эга бўлдик, — деди “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашидаги “Аёллар қаноти” раиси Улбосин Сейтжанова. — Айниқса, дастурнинг олтинчи йўналиши бугунги кундаги долзарб масала — экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишлангани диққатга сазовор. Хусусан, ушбу йўналишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, барча қурилишлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ экологик ҳолат ва барқарорликни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши бўйича қўшимча чоралар кўрилиши эътиборимизни тортди.

Тадбирда сўзга чиққанлар иштирокчиларни бўлажак сайловда партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг навбатдаги учрашуви Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, талаба ёшлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Робахон Махмудованинг ишончли вакили Иномжон Қудратов номзод ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг Президентликка номзод сўз олиб, ўз Сайловолди дастурида, энг аввало, Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни ва миллий иқтисодий демократиянинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби улугвор мақсадлар назарда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

— Фарғонамизни Марказий Осиёнинг дурдонаси, деб таърифлашлари бежиз эмас, — дея алоҳида қайд этиб ўтди номзод. — Фарғона вилояти ўзининг бетакрор табиати, кўҳна тарихи, катта иқтисодий салоҳияти, унумдор тупроғи, бой деҳқончилик анъаналари, энг муҳими, меҳмондўст, меҳнаткаш, тадбиркор ва омилкор инсонлари билан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, вилоятда 400 дан ортиқ моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Ана шу улкан ва бебаҳо меросни жиддий ўрганиб, авайлаб-асраб, авлодларимизга бенуксон етказишдек масъулиятли бурчимизни шараф билан бажаришимиз керак, — деб таъкидлади.

Фарғона вилояти азалдан ҳунармандлар маркази сифатида дунёда ном қозongan. Бу ўринда Марғилонда ипакчилигу тўқимачилик, Риштонда кулолчилик, Кўконда ёғоч ўймакорлигию қандакорлик санъат даражасига кўтарилган.

Шу боис, биз Сайловолди дастуримизда азалий анъаналаримизни давом эттиришга алоҳида эътибор берамиз.

Дастуримизда, шунингдек, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш каби мақсадларни амалга оширишда Фарғона

тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсад қилинган.

— Президентликка номзоднинг Сайловолди дастури билан танишиб чиқдик, — деди тадбир иштирокчиси тадбиркор Шахло Ғаниева. — Дастур мамлакат тараққиёти йўлида муҳим бўлган масалаларни ўз ичига олган. Айниқса, хотин-қизлар фаоллиги ва ролини ошириш барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакиллари кўпайтиришга доир таклифлар барчамизни қувонтирди.

Шунингдек, дастурда “Оналик, оталик ва болаликни давлат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Ўйлайманки, бу жуда чуқур ўйланган ва миллий қадриятларимизга мос келадиган таклиф. Зеро, оила муҳофазаси — жамиятнинг соғлом тараққий этишининг қафолатидир. Айни шу мақсадда номзодимиз дастурида репродуктив саломатлик ва демографик ривожланишни барқарор таъминлаш мақсадида, “Соғлом оила — соғлом жамият 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланганини эса фақат қўллаб-қувватлаш керак.

Президентликка номзоднинг Бухоро вилоятидаги учрашуви Бухоро давлат тиббиёт институтига бўлиб ўтди. Унда партиясининг маҳаллий Кенгаш депутатлари, таълим соҳаси вакиллари, маҳалла фаоллари, нурунийлар, сайловда илк бор қатнашаётган ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни номзоднинг Бухоро вилоятидаги ишончли вакили, партиясининг Бухоро вилоят Кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда Президентлик сайловининг мамлакатимиз раънақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва мақсадларни сайловчилар эътиборига ҳавола этди.

— Бухоро вилояти азалдан илм-фан ва маърифат маскани бўлиб келган. Биз ҳам ўз Сайловолди дастуримизда маънавий тараққиётга эришиш, мамлакатимизда илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ривожини тараққиётимиз қафолати эканлигига алоҳида эътибор қаратганмиз. — деди Робахон Махмудова. — Жумладан, мамлакатимизда илмий тадқиқотлардан олинган ижобий натижаларни тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнологиялар, гидрология ва сув муаммолари, энергетика, муқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялар, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларга жорий қилиш ишларини изчиллик билан олиб бориш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаймиз.

Шунингдек, таълим соҳасида илғор давлатлар тажрибаси ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда мактабларда таълим беришнинг амалдаги стандартларини такомиллаштирамиз, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир инсонга олий маълумот олиш имкониятини кенгайтириш чораларини кўрамиз.

Биз дунё илм-фан ютуқларини ўзлаштиришни мақсад қилган эканмиз, таълим тизимига халқаро талаб ва стандартларни жорий этишимиз муҳим саналади. Шу боис, Буюк Британия, Австралия,

БИРГАЎЛИКДА ҚУРАМИЗ



АҚШ ва Европа мамлакатлари университетларига киришда номзодлардан IELTS, TOEFL, Cambridge ESOL каби халқаро сертификатларга эга бўлиш талабини 2025 йилдан бошлаб бакалавриятга кириш учун юртимизда ҳам инглиз тилини билиш бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибини жорий этиш чораларини кўрамиз. Бундай амалиёт Грузия, Италия давлатларида жорий этилиб, ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, учрашув якунида сўзга чиққан тадбир иштирокчилари ҳам номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватладилар.

— Номзод ўз дастурида илгари сураётган ғоя ва таклифлар, албатта, юртимизнинг равнақи, фуқароларимизнинг фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — деди муҳокамада сўзга чиққан Бухоро давлат тиббиёт институти кафедраси ассистенти, фалсафа фанлари доктори Шахноза Пўлатова. — Дастурдаги мамлакатимизда илмий тадқиқотлардан олинган ижобий натижаларни барча соҳа ва тармоқларга изчиллик билан татбиқ этиш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилгани олим сифатида мени мамнун этди.

Дастурда, шунингдек, мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида изчил ислох қилиш, марказдан узоқ қашқадарда яшаб, аъло баҳолаб билан ўқиган, ота-она қарамогисиз қолган, кам таъминланган иқтидорли ёшларнинг давлат ҳисобидан олий таълим олишини қафолатлаш таклифлари ҳам илгари сурилган. Дарҳақиқат, мактаб таълими — келажак асоси. Фақат замонавий маърифат, чуқур билимгина бизни ёрқин келажакка бошлаб борувчи йўллар. Шу сабабли ҳам дастурда таълим соҳасини ислох қилиш таклифи илгари сурилгани кўпчиликка манзур бўлди.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида ўтказилган учрашувда Президентликка номзод тадбир иштирокчиларини ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан таништирар экан, вилоят тарихига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бугун сизлар билан, улкан иқтисодий ва маънавий-маърифий салоҳиятга эга Қашқадарё вилояти аҳолиси билан учрашиб турганимдан бениҳоя мамнунман.

Чунки Қашқадарё улуғ шоир ва ёзувчилар Ватани. Замонавий адабиётимиз

нинг Нормурод Нарзуллаев, Муҳаммад Раҳмон, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов сингари ўнлаб, юзлаб ижодкорлари ўз асарларида Ўзбекистонни тараннум этиб, жаҳонга танитган.

Шу билан бир қаторда, Қашқадарё заминини том маънода олтин замин, деб айтсак бўлади. Зеро, вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда табиий ресурсларни қазиб олиш бўйича Ўзбекистонда муҳим ўрин эгаллайди.

Номзод Сайловолди дастурида илгари сурилган устувор йўналишлардан бири — мамлакатнинг энг катта бойлиги бўлган халқ саломатлиги мавзусига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Биз аҳолига қафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилишни давом эттириш тарафдоримиз. Жумладан, “ақли тиббиёт” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига мувофиқлаштирган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси” лойиҳасини янада такомиллаштириш, унда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг Сайловолди дастури борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Номзоднинг дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган муҳим таклифлар ва уларни амалга ошириш ғоясининг изчил ёритилгани эътиборимни тортди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдурахим Иркаев. — Дастурдан ўрин олган энг муҳим масала, албатта, халқ саломатлиги масаласидир. Хусусан, номзодимиз нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотга ўтказиш бўйича амалий чораларни кўриш таклифини илгари сурмоқда. Яъни Робохон Махмудова тиббиёт даромад олиш манбаига айланмаслиги тарафдори. Бунинг механизмлари, хусусан, тиббиёт сугуртасини ривожлантириш

эса кўпчилик мутахассислар томонидан ишлаб чиқиши керак бўлади. Бундай амалиёт АҚШ, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиб, ўзини оқлаган.

Шунингдек, номзод дастурида фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортидан беморларни ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга ундаш ҳолатлари борлиги ва бу каби ҳолатларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар берилаётгани иштирокчиларда номзод дастурига нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

Дастурда тиббиёт соҳасидаги бундай муносабатлар тўғридан-тўғри коррупция сифатида баҳолашни, тиббиётчилар ва фармацевтлар орасида ноқонуний мулоқот тўлиқ тақиқланиши, бундай мулоқотлар ва совғалар учун жазо муқаррар бўлиши қатъий белгиланиши айтиб ўтилган. Бу каби таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши тиббиётимизнинг жаҳон стандартлари асосида ривожланишига хизмат қилади.

Хоразм вилоятида сайловчилар билан Президентликка номзоднинг учрашуви Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида ташкил этилди.

Тадбирни номзоднинг Хоразм вилоятидаги ишончли вакили — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Хоразм Маъмур академияси профессори Икром Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, номзоднинг таржimai холи, меҳнат фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтди. Шунингдек, ишончли вакил номзод ўз Сайловолди дастурида давлат ва жамият тараққиётига, фуқаролар фаровонлигига оид изчил таклифларни илгари сураётганига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Робохон Махмудова тадбир иштирокчиларига ўз Сайловолди дастурида илгари сурилаётган устувор йўналишлар хусусида гапириб берди.

— Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган даромадни адолатли тақсимлашни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш бирламчи вазифамиздир.

Шу боис, биз ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, туман ва шаҳарларни бир маромда ри-

вожлантириш, шунингдек, ҳудудларда субсидиялар бериш тизимини такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда ҳудудлардаги ижтимоий объектлар ва энг муҳим стратегик объектларда бошқа давлат мулкларини фуқароларга танлов имкониятини берган ҳолда хусусийлаштириб бериш орқали ҳам муайян натижаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биз бу жараёнда божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириб, имтиёзларни аниқ соҳаларга бериш орқали ҳудудларни мутаносиб тарзда бир хилда ривожланишини таъминлаймиз.

Учрашувда сўз олган тадбир иштирокчилари ҳам номзод Сайловолди дастуридан ўрин олган айрим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Номзодимизнинг Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалиги соҳасини тараққий эттириш борасида ҳам қатор таклифлар илгари сурилгани мен каби кўпчилик хоразмлик сайловчиларнинг кўнглидаги гап бўлди, — деди “Адолат” СДП Хоразм вилоят Кенгаши матбуот котиби Замира Абдуллаева. — Сабаби вилоятимиз аҳолиси бир қисмининг кундалик турмуш тарзи бевосита қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан боғлиқ. Номзод дастурида белгиланган қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги орқали иқтисодий юқори натижаларга эришиш борасидаги таклифлар, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Ҳудудларда бўлиб ўтаётган учрашувларда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида таклиф этилаётган устувор мақсад ва ғоялар халқ фаровонлиги ва Ватан равнақида хизмат қилишини эътироф этиб, тадбир иштирокчиларини жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида “Адолат” социал-демократик партияси номзодини қўллаб-қувватлашга чақирмоқда.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Матбуот хизмати

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
НОМЗОД РОБАХОН МАХМУДОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

(Боши 1-саҳифада)



СОҲИБҚИРОН — ҒАРБ ТАМАДДУНИНИНГ АСОСЧИСИ

Ҳамма ишлар муваффақиятли ундаланиб, музаффарият билан юртга қайтилди ва шундан кейин Соҳибқирон фаолиятида нисбатан муқим давр бошланди. Агар Ҳиндистон сафарини ҳисобга олмасак, юз йилликнинг бошигача Мовароуннаҳрда тинч, бунёдкор ҳаёт давом этди.

Аммо Европани ларзага солаётган янги куч - Йилдирим Боязидни жиловлаш борасидаги ҳаракатлар тўхтамаётгани аниқ эди ва папанинг сиртдан қараганда нисбатан тинч қароргоҳида катта тўфонларга сабаб бўладиган режалар тузилаётгани ҳам сир эмас, яъни мантиқ тақозаси эди. Христианлар Никополдаги мағлубият аламини унута олмас, унинг ўрнини қоплаш учун минг-бир чора изларди. Жумладан, папа Бонифаций IX 1398-99 йиллар орасида ҳам Европа давлатларини император Мануэл II Полилогни қувватлаб ва Усмонли турклар тазйиқи остида қолаётган Константинополни ҳимоя қилишга чақириб, бир неча марта мурожаат билан чиқди, аммо ҳеч ким унинг даъватларига жавоб бермади. Гапнинг сирасини айтганда, Боязид муаммосини ҳал қилиш Рим папасининг зиммасида қолгандек эди. Гўё диний раҳнамо жанг майдонида юрагини олдириб қўйган ношуд болаларини кутқариш учун чора топиши керакдек туюлаётганди.

Тахминан, илтижолар ижобат бўлганга ўхшайди. Аниқ бир ҳолат юзага келаётганди: икки енгилмас саркардани бир-бирига гиж-гижлаш! БУ тўхтамага асос - тобора кучайиб бораётган ва туркийлар мақолида таъкидлангани сингари “Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди” мантиғидан келиб чиқиб, Шарқдан Темурбекнинг, Ғарбдан Боязиднинг тобора кучайиб бораётган шон-шавкати масала ечимига қалит бергандек бўлади. Барча қонуниятларни рад этиб, Шарқ ва Ғарбнинг учрашиши, аниқроғи, тўқнашиши тобора тақдир тарозисига қўйилаётгани аниқ бўлиб қолаётган, яъни шу йўл танланаётган эди. Негаки, аини кучга тўлган турк саркардасига рўбарў бўладиган салоҳият Европада мавжуд эмаслиги кундек равшан эди, папанинг чақириқларининг исиз кетгани бунга яққол тасдиқларди. Билъакс, Самарқанд ҳукмдорининг мавқеи ҳам чек-чегарасиз эди, яъни муносиб рақиб тайёр, фақат ўйин ташкил қилинса бас. Хуллас, Болқон ярим оролида катта театр юзага келаётган, фақат Унинг сценарийси яратилиб, парда кўтарилса, томоша нақд эди. Таажжубли томони шундаки, вазият ҳам ана шу қалтис нуқтага жадал яқинлашаётган, қайсидир ўринларда манфаатлар тўқнашаётган, йўллар кесишаётган эди.

Вазиятни аниқ ҳис қилган Соҳибқирон Амир Темур жиддий тайёргарлик билан 1399 йил кузида Самарқанд-

дан йўлга чиқди. Кавказ ва Форсдаги юмушлар суробга келтирилиб, шу йил киш Қорабоғда ўтказилади. Баҳор келиши билан қўшин йўлга чиқиб, ҳавоси ёқимли, яйловлари сер ўт Мингқўл водийсига келишди. Бу катта юришдан хабар топган Византия империясининг элчилари биринчи марта Соҳибқирон даргоҳига ташриф буюрдилар. Аниқроғи, Венеция савдогарлари бой совға-саломлар билан келиб, турк султони Боязид уларнинг бир қисmini асирга тушириб, молларини тортиб олгани юзасидан арз қилдилар. Ёрдам сўраб келган жабрдийдалар яхши кутиб олинди, иззатларини жойига қўйиб, қузатиб қўйилди. Гўё шу билан дарёлар иккига ажралди.

Албатта, келганлар шунчаки “савдогар”лар эмас, балки ҳар бири маълум мақсадни кўзлаб юборилган айғокчилар бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Негаки, Европа бу борада катта тажрибага эга эди, Рим папасининг назоратида бўлган Гийом Рубрук бошлиқ вакиллар ҳам турли қиёфаларда 1252 йиллардаёқ махсус миссияни бажаришга сафарбар қилинган, улар ҳатто Қорақурумга, Ботухоннинг қароргоҳигача боришга муваффақ бўлишганди. Ва бундай разведка (мухобарат) ҳаракатлари узлуксиз давом этиб турган эди. Умуман, икки кучни юзма-юз қилиш учун дипломатияда синалган барча усулларнинг қўлланилиши бор гап, негаки, вазият қалтис, бутун Болқоннинг тақдирини қил устида турар, Византия империяси эртанги кунига маҳтал бўлиб яшаётганди. Вазият эса уларнинг фойдасига ишлай бошлади.

Шубҳасиз, ўз ҳудудида катта имкониятларни қўлга киритган, ҳали майдонда бирон марта ҳам енгилмаган Боязид ўзини тенгсиз ҳисобларди. Ғалабалардан масрур қўмондан ҳамма нарса унинг иродасига кўра ҳал бўлишини хоҳларди. Шу туфайли Амир Темурга муттасил қаршилик кўрсатиб келган Султон Аҳмадни паноҳига олган, Қора Юсуфни қўллаб-қувватлаб келаётганди. Ниҳоят, икки тарафнинг масалаларга ойдинлик киритиш фурсати етди ва Соҳибқирон Боязидга хат билан мурожаат қилди. Бундай ёзишмалар кейинчалик ҳам давом этди ва уларнинг батафсил шарҳи алоҳида тадқиқотларнинг мавзуси, натижа шу бўлдики, кучларнинг майдонда очик тўқнашувга чиқиши заруратга айланди. Бунда мусулмончилик одоблари ҳам, қондошлик талаблари ҳам, диний манфаатлар ҳам иш бермади, кўринмас кучлар шундай ишладикки, ҳаммасини четга суриб ташлаш ва икки ака-ука биродарнинг очик майдонда ёқалашиши, бошқаларга томоша бўлиши кун тартибига чиқди.

“Қўлга тушмаган ўғри - ўғри эмас” деган гап бор. Нафсиламрини айтганда, тарих юзида қора доғ бўлиб қолган ва тараққиёт шайинини оғдириб юборишгача дунё цивилизациясига таъсир этган бу ҳарбий театр томошасининг тайёрланиш жараёни, унинг иштирокчилари ҳақида хужжатлар орқали фикр юритиш мумкиндир, аммо мукамал хулоса чиқариш қийин кечар, негаки, рухий ҳолатлар ҳеч қандай

ерда қайт этилмаган. Майдонда икки Шахс юзма-юз турарди, уларнинг ҳар бири ўзича ҳақ ва ҳолат, мавқе тақозаси шунчаликки, мурасага ўрин йўқ, ўрин қолмаган. Вазият шу даражада тайёрланган. Бунда энг нозик рухий омиллар ҳам катта вазифа бажарган. Масалан, бир тарафнинг жиззақилиги ёки яққа гегемонлик ҳисси. Йиллар соясида қолиб кетган бу рухий ҳолатларни бугун тиклаш иложи йўқ, фақат унинг сабоқлари қадри ва унутилмасдир. Чин маънода унутилмас бўлиши шарт.

Албатта, бу бухрон арафасида Соҳибқироннинг аҳвол-руҳияси “Зафарнома”ларда, бошқа китобларда анча муфассал тасвирланган. Шубҳасиз, пушаймонлик, тақдир ўйинига мутелик, кўринмас чоғга тушиб қолганидан пушаймонлик ва энди ўйинни ютиб чиқиш қасдидаги илтижолар ҳар икки томонда ҳам бўлгандир, аммо унинг натижаси Европа учун жуда муҳим эди. Олис Гоби саҳроларидан, Тибет тоғларидан бошланган, Туронзаминда камолга етган цивилизация юз йиллар ўтиб, Болқон ярим оролида дунё нигоҳида имтиҳондан ўтаётганди. Бунда Шарқнинг мағлуб бўлиши мумкин эмаслиги барча ўлчамлар билан тахмин қилинган, тўқнашув юзага келиши аниқ бўлиб қолгач, Ғарб аллақачон янги режалар устида бош қотираётган эди. Хуллас, “Рум таслим бўлди”! Қайд этилишича, бу ҳол Темурбек ҳали йигитлигида улуғ пир Зайниддин Тайободий билан илк учрашувдаги башоратнинг тасдиғи эди. Ҳа, бахтли юлдузлар дийдорлашуви палласи дунёга келган Соҳибқиронга тақдир илоҳий иноятлар қилган эди...

Анқара муҳорабаси мурод-мақсадига етгач, Соҳибқирон Кутахияга ўтади. Шу ерда нафасни ростлаб, эришилган ғалаба хабарини жар солиш учун атроф-жавонибга хатлар ёзилади. Салтанат ҳудудларига фатҳнома-лар йўлланади. Шунингдек, ғалаба муносабати билан атрофдаги давлатларнинг императорлари, қироллар, диний арбоблар ва бошқа нуфузли зотлардан қутловлар кела бошлайди. Архивларда Франция қироли Карл VI га ёзилган хат сақланади. У жавоб тариқасида йўлланган бўлиб, 1402 йил 1 август санаси қайд этилган (муҳорабадан 10 кун кейин; демак, девон аниқ ишлаган!). Элчилар ҳам бевосита ғолиб тараф қароргоҳларига келиб, ўз табрикларини изҳор эта бошладилар. Биринчилардан бўлиб ўша пайтда Кичик Осиёда бўлган Кастилия (Испания) қиролининг элчилари Пайо Гомес де Сотомайор ва Эрнан Санчес де Паласу Элос ўз мамлакатлари ҳукмдори номидан Соҳибқиронни табриклайди. (Маълумки, кейинроқ бу мамлакатдан махсус элчилар Руи Гонзалес де Клавихо бошчилигида Самарқандгача боришади). Умуман, Анқара жангидан кейин Амир Темур дунёнинг энг обрўли кишисига айланади. Кейинги йил май ойида эса Франция қироли Карл VI, Кастилия қироли Генрих III, Англия қироли Генрих IV нинг элчилари бу даргоҳга ташриф буюришади. Бундай эъти-

бор буюк ҳақиқатнинг тан олинishi, Соҳибқирон шахсининг эътирофи этилиши эди.

Соҳибқирон ўз фаолияти билан Евроосиё ҳамкорлигини янги поғонага кўтарди. Гарчи Осиёдан чиққан фотиҳлар Атилла, Боломбир, Чингизхон, Боту ва бошқалар замон эврилишларида Европанинг анча-бунча қисmini забт этган, унинг тарихига маълум из қодиришга эришган, ўз сиёсатларини ўтказишга улгурган бўлсалар-да, улар табиатидаги дашт одамлари - қўчманчиларга хос шафқатсизлик, мурасизлик, кескинлик қолдирган излар бу ҳудудлар ҳаётида вайроналар, қаттолликлар билан эсланадиган бўлди. Амир Темурнинг мурасага асосланган сиёсати, қаршилик қилмай, ўз ихтиёри билан қаламравига ўтган эл-элатларга омонлик бергани, шунингдек, бунёдкорлик фаолияти (қадами етган жойларда қанчалаб ташландик ҳолига келиб қолган қабрларни обод қилгани, бинолар бунёд этгани, ариқлар қаздириб, зироатчиликни йўлга қўйгани ҳақида етарлича маълумотлар бор) гувоҳ одамларда Шарқ ҳукмдорига муносабатни тубдан ўзгартирди, аста-секин “варварлар”, “ёввойилар” сингари стереотиплар сина бошлади. Умуман, Шарққа, Осиёга, қолаверса, ислом динига қарашлар яхши томонга ўзгарди, қизиқиш ортди.

Бор гап шуки, Соҳибқирон шахси ва номи бутун дунёда машҳур бўлиб кетди. “Европа ҳалоскори” сифатида олтиндан ишланган ҳайкали Париждаги Лувр залларини беади. Инглиз драматурги Кристофер Марло “Буюк Амир Темур” (1587) трагедиясини ёзиш билан жаҳон адабиётида Амир Темур сиймосини яратиш жараёнини бошлаб берди. 1681 йилда яна бир инглиз адиби Чарльз Саундерснинг “Амир Темур” трагедияси ёзилди ва саҳнага қўйилди.

Умуман, Амир Темур ва Темурийлар салтанатида инкишоф этилган давлатни бошқариш усуллари, жамиятни ривожлантириш омиллари ҳамда бошқа ўлчов ва мезонлар бугунги дунё амалиётида қўлланилаётгани шубҳасиз. Негаки, инсониятнинг ягона оиласи - ҳозирги Яхлит олам ўз тараққиёт йўлида одамзот ибтидоий онги уйғонган даврларданок пайдо бўлган умумий устахонада яратилган ҳаётий тиргакларга таянади, уларни янги шароитларда давом эттиради. Биз бугун умргузаронлик қилаётган дунё ҳам, бағрида яшаётганимиз тараққиёт (цивилизация) ҳам умуминсоний мулк сифатида мавжуддир. Ана шу хазинада фахрли аجدодимиз Соҳибқирон Амир Темур кашф этган янгиликларнинг салмоқли ўрни бор экан, бундан чинакамига ифтихор қиламиз. Буюк Шахс ҳақиқатларининг эътирофи умумбашарий қадриятлар сифатида тан олиниб, тараққиёт учун асқатаётган экан, унинг келажак учун улкан хазина, инсониятни олға бошлайдиган нурли маёқ эканини яна бир марта таъкидлаймиз. Соҳибқирон Амир Темур мероси нафақат Ғарб учун, балки бутун инсоният учун улкан бойлиқдир.

ҲАКИМ САТТОРИЙ



Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вакти:
20:00
1 2 3 4 5 6

КОМПЬЮТЕР БОЛАГА ЗИЁН ЕТКАЗДИМИ?

2023 йил 28 июнь куни Қурбон ҳайити муносабати билан "Муҳаммад Охун бобо" жамоат бирлашмаси томонидан қўйилган эҳсон қутиларга фуқаролардан 9 385 000 сўм хайрия келиб түшди.



САЁХАТГА ЧОРЛАЙДИГАН “САЁХАТНОМА”ЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ўрта аср мамлакатлари, шаҳарлари ва халклари тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутган ва бой манба сифатида кадр топган мазкур асарнинг инглиз, француз, немис, чех, италян, поляк, португал сингари кўплаб тилларга тиржима қилинганлиги бежиз эмас. Жаҳон маданияти ва маърифати ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган бу асарнинг эътирофга молик яна бир жиҳати шундаки, у ҳеч бир шубҳасиз, мамлакатимизда туризмни равиш топтиришда, шунингдек юртимиз тарихини ўрганишда ҳам бебаҳо манба ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда “Саёхатнома”нинг таниқли шарқшунос олим, академик Неъматиллоҳ Иброҳимов бошчилигидаги бир гуруҳ арабшунос мутахассислар томонидан илк бор ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бу асар халқимиз тарихини, унинг бетакрор ҳислат ва фазилатларини, деҳқончилик ва ҳунармандчиликда тенги йўқлигини туризм орқали дунёга дoston қилишда соҳа парвозига қанот бўладиган нодир асарлардан бири десак, хато бўлмас.

Ёзувчи Қамчибек Кенжа қаламига мансуб буюк шоҳ ва беназир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бунёдкорлик ишларига бағишланган “Ҳинд сориға” асарини и с т и к л о л йилларида яратилган саёхатномаларнинг энг сара намуналаридан бири дейиш мумкин. Бу асар ёш авлодни ўзватани, ўз тарихи, ўз аجدодлари, миллий қадриятларига ҳурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш баробарида уларни ана шундай бобокалонларимизга муносиб бўлишга даъват этиши билан ҳам эътирофга моликдир. Муаллифнинг “Андижондан Даккагача”, “Андижондан Бағдодгача”, “Буюклар изидан” номли асарлари ҳам “Ҳинд сориға”нинг мантиқий давоми бўлиб, ранго-ранг ва жозибали ҳикоялари китобхонларимизда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Бундай саёхатнома асарлар соҳа мутахассислари ва айниқса, ҳикоя қилувчиларнинг кенг дунёқарашли, чуқур билимли, энг муҳими қизиқарли манбалар билан сайёҳлар эътиборини ўзларига тортадиган бўлишлари учун жуда-жуда зарур. Бу сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имконини берибгина қолмай, уларнинг сонини кўпайтиришга ҳам хиз-

мат қилади. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива сингари қатор шаҳарларимиз ва уларнинг тарихий қадамжоларига жаҳоннинг машҳур кишилари, давлат раҳбарлари ва Клавихога ўхшаган элчилар берган таърифлар, ўзбек шоирлари томонидан бағишланган ажойиб шеърлар борким, булар ҳеч бир шубҳасизки, хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишларини оширмай қолмайди.

Афсуски, сайёҳларга хизмат кўрсатувчиларнинг кўпчилиги у ёки бу хорижий тилни билиш ҳамда режага киритилган жойлар ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекланса, айримларининг шунга ҳам қурби етмайди. Ваҳоланки, сайёҳларни ҳикоя қилинаётган жойга бўлган қизиқиш ва ҳайратини ошириш учун ўша ёдгорлик ёки обиданинг тарихига оид теша тегмаган манбаларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиш ҳеч бир шубҳасизки, сайёҳлик гуруҳини бошқараётган кишининг вазифаси ҳисобланади. Эътироф этиш жоизким, кейинги йилларда тарихчи олимларимиз, журналист ва ёзувчиларимиз томонидан қадимий шаҳарларимизнинг кишини ҳайратга солувчи янги-янги қирралари ҳақида бир қатор илмий ва бадий асарлар яратилдиким, бу туризм соҳаси равиши учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Амир Темур, Бобур, Улугбек, Навоий сингари кўплаб бобокалонларимизнинг давлатчилигимиз тарихига бағишланган ноёб китоблари ҳам туризм бўйича етук кадрлар тайёрлаш баробарида соҳага янгича мазмун бахш этишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Маълумки, дунёвий тараққиёт туризм олдига ҳам янги-янги талабларни қўймоқда. Уларни ҳамирдан қил суғургандек ҳал этишнинг йўли битта – билим, тажриба, маҳорат. Ана шу фазилатлар мужассам бўлган кишидагина янгича қараш, янги фикр, янги ғоя бўлади. Бунга эришишнинг энг асосий йўли мутолаа – кўп ва ҳўб ўқиш. Кўп ўқиган киши изланувчан, янгиликка интилувчан бўлади. Сайёҳларга у ёки бу жой ҳақида сўзлаб беришда турли қирралардан ёндашди, илмий ва бадий манбалардан, ҳикоят ва ривоятлардан кенг фойдаланади. Бу экскурсия қилдирувчининг билимлар хазинасини бойитиб, маҳор-

ратига маҳорат қўшади.

Кези келганда аччиқ бир ҳақиқатни ҳам айтмай бўлмайди. Шўролар замонидан бундай имконият эшиклари ёпиб қўйилган. Республикаимиз туризмнинг ихтиёри “Марказ”нинг қўлида бўлиб, сайёҳлар махсус кузатув остида самолёт билан тўғри Самарқанд, Бухоро ва Хивага келишар, саёхатдан сўнг яна изларига қайтишарди. Экскурсия ўтувчилар ҳам белгиланган чизиқдан чиқмас, энг муҳими, бу бекиёс шаҳарларнинг бетакрор обидалари ўша давр сиёсати талабларига мос қилиб кўрсатилар, уларнинг асл тарихи ҳақида лом-мим дейилмас, ҳаттоки кўпларининг нураб бораётганлиги билан ҳеч ким қизиқмас, бундай нохуш манзаралардан лоқайдларча кўз юмиб ўтиларди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган кўплаб бебаҳо ёдгорликларнинг кимёвий ўғитлар ва қурилиш материаллари сақланадиган омборхоналарга айлантирилиб, ҳароб қилинганлигини катта авлод вакиллари яхши биладилар.

Тарихимизга бўлган бундай шафқатсизлик минг-минг йиллик меросимизнинг оёқости бўлишига, “Буюк ипак йўли”даги кўплаб сайёҳлик масканларининг вайронага айланишига олиб келганлиги ҳам сир эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳалар сингари туризмнинг ҳам бозор муносабатларига асосланган янги ҳуқуқий ва иқтисодий асослари вужудга келтирилиб, унинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароит яратилди. Айниқса, кейинги йилларда бу соҳанинг жаҳон андозаларига мос равишда фаолият кўрсатиши учун қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг қарорлари сайёҳликнинг кенг ва равиш йўлларини очиб, унинг дунё билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ришта-ларини мустаҳкамлади.

Сайёҳлик қўлами ва қадамжоларнинг кўплиги бўйича дунёда етакчи ўринда турадиган мамлакатимизда етти мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлару тилларда дoston бўлган меъморий мажмуалар борлигининг ўзи соҳа жуда катта салоҳиятга эга эканлигидан далolatдир. Бундан тўғри ва оқилона фойдаланиш бош масала сифатида белгиланиб, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги тарихий-маданий ёдгорликлар мажмуаларининг

жуда катта қисми асл ҳолига келтирилди. Бу хайрли ишлар давлатимиз томонидан изчил олиб борилаётганлиги шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, уларнинг чиройига-чирой, кўрқига кўрк қўшмоқда. Бу эса туризм равишнинг янги-янги уфқларини очмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир минг уч юздан ортиқ сайёҳлик ташкилоти, 700 га яқин меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг, 600 дан зиёд сайёҳлик компанияси ишлаётганлиги унинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Хўш, бу рақамлар ортида нималар турибди? Уларнинг қайси бирларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин? Сайёҳлар учун қулай имкониятлар қайси бирларида кўпроқ? Қайси бирлари хорижий ҳамкорлари билан фаол ишлаяпти? Жаҳон сайёҳлигининг энг илғор тажрибалари ва татбиқ этилаётган янгиликлар қандай самара бераёпти? Назаримда, газеталаримизда ана шундай саволларга жавоб берадиган таҳлилий мақоаларга кўпроқ ўрин берилиши соҳа муаммоларига ечим топишда ҳам, уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини кашф этишда ҳам жуда зарур. Афсуски, бу борада оммавий ахборот воситаларида эътиборни тортадиган материаллар жуда кам. “Турист Ўз” деб номланган ғариб телекўрсатув билан эса узокқа бориб бўлмайди. Демак, соҳа раҳбарлари ташаббусни ўз қўлларига олиб, газеталаримиз саҳифаларида ўқимишли мақоалар, телеканалларда ҳавас қилгулик кўрсатувлар ташкил этилишига фидойилик кўрсатишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Одамлар дунёқараши шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда сайёҳликни давлат томонидан яратиб берилган шарт-шароит ва қонун доирасида ривожлантириш кенг қамровли ҳамкорликни, унинг очилмаган кўриқларини кашф этишни, хизмат кўрсатиш турларини миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар асосида янада кенгайтиришни, маънавий-маърифий, маданий жиҳатдан бойитишни, шу мақсадда изланиш ва янгиликка интилишдан тўхтамасликни талаб этишини дилига жо этганлар нурли манзиллар томон шахдам бораверадилар.

Нуриддин ОЧИЛОВ